

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 25 (66254)

2000 йил 22 июнь, пайшанба.

Сотувда эркин нархда


DILNOZA YIG'LASHGA UYALDI

Mana, yozgi ta'til ham davom etmoqda.

Ba'zi bolalar uyda, ba'zilari oromgohlarda dam olayпти. Biz mahalladagi qizlar uy ishlarida ota-onalarimizga yordam beryapmiz. Bo'sh vaqtlarimizda turli o'yinlar o'ynab hordiq chiqaryapmiz. Xullas, zerikishga vaqt yo'q.

Kecha dugonamiz Dilnozalanikida arg'imchoq uchayotgan edik. Birdan Dilnoza bilan urushib qoldikda, u bizni uyidan haydab yubordi. Biz xafa bo'lib chiqib ketayotgan edik, Dilnoza bir o'zi yayrab arg'imchoq ucha boshladi. Shunda birdan Dilnozaning burnini ari chaqib oldi. Dilnoza xijolat bo'lganidan yig'lashga ham uyaldi. Bir zumda burni va yuzi isha boshladi. Biz dugonamizning ahvoliga achinib, unga yordam berishga shoshildik. Oyisi ham Dilnozaga yordam berish uchun keldi. Dilnoza bizdan uzr so'ragandek, biz tomonga iltijoli boqdi. Biz yana inoq bo'lib o'ynay boshladik.

Go'zaloy TOIROVA, Toshkent tumanidagi 11-o'rta maktabning 2-«G» sinf o'quvchisi.



OO'LI «SHIRIN» kola!

Qishlog'imizda «Yangiobod» nomi bilan yuritiluvchi o'quvchilar oromgohi bor. Bu yerda 170 nafar oqyuchi ta'tilda mazza qilib, hordiq chiqaradi. Shaxmat-shashka, tikuvchilik, musiqa to'garaklari ishlab turibdi. Bu yerda bizga 4 mahal shirin-shirin ovqatlar bilan siylayotgan Zubayda xola Nazarovaga mehrimiz beqiyos. Chunki u kishi xuddi onamizday mehribonlik bilan boshimizni silab turibgina qolmay, nihoyatda pazanda ekanliklarini his qildik.

Biz shu oromgohda hordiq chiqarayotgan bir guruh o'quvchilar shu maskan rahbari Aktan Ahmedovga, tarbiyachi opalar Qandolat Husanova, Guljamol Zufarova, Maryam Bo'riboevalarga tolmangizlar deymiz.

Zarifa MINGBOYEVA,
Rohatoy YUSUPOVA,
Kattaqo'rg'on tumani



КАМОЛАНИНГ СЕВГАН ФАСЛИ

Хамма фаслни яхши кўраман дейди-ю, кўпроқ ёз фасли ҳақида гапирди менинг суҳбатдошим Камола. У Тошкентдаги 116- мактабнинг 4-синфига ўтди. Ўқишлари аъло, одоби чиройли қизалоқдан:

-Таътил ҳам бошланиб кетди. Сен бўш вақtlарингда нима иш қилаяпсан?-деб сўрадим.

- Уй ишларида онамга ёрдам бераман. Китоб ўқияман. Унча-мунча тикишни ҳам бошлаб юбордим.

- Ўқув йили тугаганидан хурсандмисан?

- Хурсандман, десам озгина алдаган бўламан. Таътил бошланганига бир ой бўлди. Лекин мактабимни, устозларимни, дугоналаримни жудаям соғиндим. Ҳатто тезроқ таътил тугаса эди, деяман.

- Тўғриси айт, ўқишни соғиндингми ёки дугоналаринг билан гаплашиб ўтиришними?

- Унисини ҳам, бунисини ҳам.

- Оромгоҳда дам олиш яхшими ёки уйдаими?

- Иккаласининг ҳам ўзига яраша гашти бор. Уйда ота-она бағрида бўлиш жуда яхши. Оромгоҳ ҳам мазза. Ахир у ерда кўплаб дўстлар орттираман. Янги-янги ўйинлар ўрганиб қайтаман.

- Камола, ёзги таътилинг кўнглингдагидек ўтсин. Доимо соғ-саломат бўлиб ўсин.

Шахло МУТАЛОВА

2- мактуб

ОЛМОҢИЯДАҲ С'АЛОМ!

Ассалому алайкум қадрли «Тонг юлдузи»! Ушбу мактубимда тенгдошларимга Олмония мактаб тизими ва таълими ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Олмонияда таълим тизими бизникдан бошқачароқ экан. Бу ерда уч хил мактаб тизими мавжуд: ўрта мактаб, асосий мактаб, гимназия. Ўқувчилар 5-синфгача ўрта мактабда таълим олишади. Сўнгра, билим даражаси ва танлаган касбига кўра ҳар хил мактабларга ўтишади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Олмонияда ўн олти вилоят бўлиб, ҳар бир вилоятда таътил ҳар хил вақтда бошланади. Масалан, мен яшаётган Франкфурт шаҳри Гессен вилоятига қарашли. Бу ерда ўқувчиларнинг ёзги таътил кунлари 23 июндан 4 августгача давом этади. Мана, ҳозир Ўзбекистондаги тенгдошларим мазза қилиб дам олиб юришганида, бу ерда дарслар давом этмоқда. Аввалги мактубимда ёзганимдек, бу ерда уй вазифа биздагидек кўп берилмайди. Шу туфайли ўқувчиларнинг бўш вақtlари кўпроқ бўлади. Улар бўш вақtlаранда спорт билан шуғулланишади, турли ўйинлар ўйнашади. Баъзи мактабларда турли хил тўғарақлар мавжуд. Таътил кунларида кўпчилик ўқувчилар бошқа шаҳар ва вилоятларга саёҳат қилишни, тоғларга сафар қилишни яхши кўрадилар.

Ҳилола ЗОҲИДОВА,
Франкфурт шаҳри

“ТУМОР” ЭРУР НОМИМИЗ

Республика ўқувчилар саройидаги санъатсеварлар тўғарагида “Тумор” номли театр студияси ташкил этилган. У ерда саҳна ҳаракати, саҳна нутқи, вокал, рақс, актёрлик маҳоратидан таҳсил оламиз.

Ҳар байрамда ўз ишларимизни саройдаги болаларга намойиш этамиз.

Гуруҳ ташкил бўлганига икки йил бўлди. Бу вақт мобайнида унга яқин спектакллар яратдик. Балки, бу спектаклларимизни телевидение орқали сиз ҳам томоша қилгандирсиз?

Саройимиз томонидан “Санъатсеварлар низоми” деган кичик китобча чоп этдик. Китобчада қилаётган ишимиз ёритиб берилган бўлиб, турли вилоятларга, ўқув даргоҳларига тарқатилди.

Ўз олдимизга катта мақсадларни кўйганмиз ва шу йўлда ҳамиша изланамиз. Бунда бизга тўғарақ раҳбаримиз Рустам ака Жўраев, Гўзал Сулаймонова, Фахриддин Ҳидояттов, Фахриддин Жўраев қабилар ёрдам беришмоқда.

Машҳура ҚАҲҲОРОВА,
Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги Ҳ. Абдуллаев номли 2-мактабнинг 9-“А” синф ўқувчиси.
“Санъатсеварлар” тўғараги аъзоси.

Саодат ЭРГАШЕВА,

11-синфнинг аълочиси, ҳикоялар ёзди:

- Гимназияда бизнинг жаҳон талабларига мос билим олишимиз учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Биз Миллий университетнинг компьютер маркази, лабораториялари, кутубхоналаридан фойдаландик, тажрибали устозлардан сабоқ олдик. Айниқса, барча шўхликларимизга чидаган синф раҳбаримиз, доцент Онахон Хайитова, математика муаллими, доцент Тўлқин Исломов, адабиёт ўқитувчимиз Шаҳноза Абдулла-

ЮРТНИНГ СУЯНГАН ТОҒИ



Ўзбекистон миллий университети қошидаги гимназияда байрамона бир кайфият ҳукм суради. Гимназиянинг илк битирувчилари - биринчи қалдирғочлари беғубор болалик остонасини хатлаб ўтиб, мустақил ҳаётга қадам қўймоқдалар. Сидқидилдан таълим берган қадрдон устозлари билан ҳайрлашиб, қалбларидаги лиммо-лим орзулардан энтикиб, ҳаяжон ва гурур билан келажак томон интилган ёшларнинг бир гуруҳи билан суҳбатлашдик.

еваларнинг сидқидилдан берган сабоқлари ҳаётда ўз йўлимизни топиб олишимизга ёрдам беради.

Дилафрўз САФОЕВА:

- Бизнинг синфимизни "шўх синф" деб айтишади. Шўхликка шўхку-я, лекин синфимиздаги

ўқувчилар жудаям ахил, иноқ. Ўғил болалар қизларни жуда ҳурмат қилишади. Қизлар эса олифталик ва гийбатдан анча узокда юришади, ўзаро суҳбатлари кўпинча келажакдаги орзулари ҳақида бўлади. Ахир, катта ҳаёт бўсағасида турган

ёшларнинг юраклари тўла орзуку! Мен ўзим Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ҳужжат топширмоқчиман. Орзуим: нашр-полиграфия соҳасида мутахассис бўлишдир.

Сайёра ҲАМИДОВА

1997 йили Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет қошида ташкил этилган гимназиянинг 40 нафар йигит-қизлар битиришмоқда. Уларнинг гўзал келажак ҳақидаги тасаввурлари, ы ҳаётга ишонч кўзларида акс этган. Уларга боқиб туриб, юртбошимизнинг ёшлар Ўзбекистоннинг келажаги эканлиги ҳақида қайта-қайта таъкидлаб, куйиб-пишишларининг сабабини тушуниб етасиз. Бугун қалбларида ҳаяжон ила сўнги битирув имтиҳонларига ошиқётган ёшлар эртага ўз юртининг суюнган тоғи, бунёдкорига айланадилар.

Таътилни ҳар ким турлича ўтказди: кўпчилик болалар соя-салқин оромгоҳларга жўнаб кетишган, айримлари қишлоқдаги қариндошлариникида дам олишни хуш кўришади. Қай бирлари сўлим сайлгоҳларга боришни ёқтиришса, яна кимлардир бозорларга ошиқишади. Бирор нарса харид қилиш ёки шунчаки айланиб келиш учун эмас, савдо қилиб, пул топиш илинжида бўлишади. Расталарни оралаб юриб, кимдир ўз ихтиёри билан, яна кимдир ота-онасининг хоҳиши билан савдо-сотик қилаётганини учратиш мумкин.

«Таътилингиз қандай ўтяпти?» деган савол билан уларнинг айримларига мурожаат қилдик:

-Зафар Маҳмудовман, -дея ўзини таништирди 13-14 ёшлар чама-сидаги бир бола. -Таътилни жуда яхши ўтказяпман. Ҳар куни шу ерданман, савдо қилиш менга жуда ёқади.

-Бадий китоблар ҳам ўқиб турасанми?

-Савдо қилмай, китоб ўқиб ўтирсам, биров менга 1 сўм берадими? Қайтанга савдодан чалғитади.

-Шахсий жамғарманг ҳам бордир?

-Албатта, ҳар куни савдодан тушган фойдадан ойим менга ҳам «доля» берадилар. Пулларимни ўз хоҳишимча ишлатаман. Душанба - бозорда дам олиш куни. Ўртоқларим билан биллиардхонага, дискотекага борамиз, «СОНИ» ўйнаймиз.

-Оромгоҳларда дам олишни хоҳ-

лармидинг?

-Э, қўйсангиз-чи, унақа ёшдан ўтиб қолганмиз.

-Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан?

-Худди ойимдек «бизнесмен» бўламан.

XXX

Расталар оралаб: «муздеккина чой, шарбат, наъматакли чойлар бор», -дея қичқириб юрган қизалоқ диққатимизни тортди. Исми Сожида экан.

-Чарчамадингми, қизалоқ? Юкинг анчагина оғир кўринади.

-Чарчашга чарчайман, лекин онамга ҳам кўмаклашмасам бўлмайди-да.

-Ойинг қаердалар?

-Кийим-кечак сотяптилар.

-Оромгоҳларга боришни хоҳлармидинг?

-Жудаям...

Қизчанинг гапи оғзида қолди.

-Йўлланмаларнинг нархи осмонда бўлса. Қорни тўйиб турганига шукур қилсин, -унинг ўрнига жавоб қайтарди онаси...

XXX

-Бозор қалай бўляпти? -сўраймиз Жасур исмли болакайдан.

-Э, сўраманг, шу вақтгача ҳали «почин» ҳам қилганимиз йўқ. Уйқум келиб, зўрга ўтирибман. Дам ҳар куни барвақт уйғотадилар-да.

-Ўзингга қолса таътилни қандай ўтказган бўлардинг?

-Ҳар куни тўйгунимча ухлардим. Яна қишлоққа - бувамларникига кетган бўлардим. Уларникида мазза - сут, қатиқ, қаймоқ дейсизми. Мевазор боғларини-ку айтмасам ҳам бўлаверади. Лекин уйдагилар юборишмайди-да...

Чиройли патнисчага чиройли қилиб терилган турли хил қандолат маҳсулотларини сотиб юр-




ган Фотима исмли қиз суҳбатимизга қўшилди:

-Мен оиланинг тўнғич фарзандиман. Таътилнинг биринчи ойида укам Ҳусан иккимизни оромгоҳга юборишмоқчи бўлишганди, ўзим унамадим. Қандолатчилик курсида ширинликлар тайёрлашни ўрганиб олдим. Ўрганганларимни амалда синаб кўриш учун ҳар куни ҳар хил ширинликлар тайёрляпман. Бир қисмини укаларимга берсам, қолганини бозорга олиб чиқаман. Уларни еб кўриб: «Кўлинг дард кўрмасин қизим», - дея дуо ҳам қилиб қўйишади. Ота-онамга биров бўлса-да, кўмаклашаётганимдан хурсандман.

Зафар, Жасур, Фотима, Сожида бозорда фаолият кўрсатаётган тенгдошларингизга муносабат билдириш сизга ҳавола.

Қадрли болалар! Таътилни сиз қандай ўтказяпсиз? Ўтаётган кунингиздан кўнглингиз тўляптими? Шулар ҳақидаги мактубларингизни кутиб қоламиз.

Феруза ЖАЛИЛОВА
тайёрлади.



Тенгдошларнинг шароити

Хунар эгалари ҳаётнинг нотекис йўлларида қоқилмай юрвчи ҳақиқий ирода соҳибларидир. Турмуш тўсиқларига дуч келганларида биринчи ёрдамга келувчи уларнинг ўз хунарлари ҳисобланади. «Қирқда қўлига соз олган, қиёматда қулоғини бурар», деган мақолдан келиб чиқадиган бўлса, ўқиш, ўрганишни болаликдан бошлаш жуда муҳимдир. Модомики шундай экан, хунар ўрганаётган ўқувчилар ҳақида тўлиб-тошиб ёзсак арзийди.

ТОҚАТЛИК ТОҒЛАР ЭҒАР БОШНИ...

Тенгдошингиз Ферузахон Исохонова Наманган вилояти, Чортоқ тумани «Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази»даги каштачилик тўғарагининг аъзоси. Тўғарақда олтмишдан зиёд қизалоқлар хунар ўрганиш билан банд. Улар орасида ўзининг тийрак назари, чиройли хулқи, ўткир билими билан Ферузахон алоҳида ажралиб туради. У бу йил Р.Ортиқов номли 2-мактабнинг 8-«А» синфини аъло баҳолар билан якунлади.

Каштачи қизалоқ туман, вилоят кўрик-танловларида қатнашиб, фахрли ўринларга эришяпти. Бу йил эса у Республика танловида иштирок этди ва биринчи ўрин соҳибаси бўлди. Бу ютуқлар унинг ғайратига ғайрат қўшди. Оилада меҳрибон опаларидан, тўғарақда эса жонқуяр устози Ҳожихон Низомовадан каштачилик сир-синоатларини янада чуқур ўрганиб, дугоналарига, сингилларига ўргатиш даражасига етди.

Каштачиликка меҳри тушган қизалоқ қўшиқ айтиб, рақсга тушишни ҳам жуда яхши кўради. Спорт эса жону дили. Бироқ...

- Мактабимда талабчан устозлар, иқтидорли ўқувчилар талайгина. Шундай масканда спорт залининг йўқлиги биз ўқувчиларни жуда қийнайди, - дейди куюниб Феруза.

«Соғлом авлод йили», деб такрор ва такрор гапирилаётган вақтда 2-мактаб ўқувчиларининг ҳам орзуларини рўёбга чиқарувчилар топилиб қолсалар...

Қадимги маданиятимиз, бувиларимизнинг чеварликларини давом эттириш қизалоқлар қалбига жо бўлганидан гурурланамиз. Бу билан каштачилик санъати авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб келаётганини кўрсатиб беришяпти, улар бу кашталарда Она юрт тарихи, бугуни ва келажаги намён. Бу оддий тикиш эмас. Бунинг учун кўнгилдаги чизмани чизиш, унга ранг танлай билиш ва албатта гўзалликни ҳис эта билиш зарур. Энг асосийси эса инсонга қаноат, сабр-тоқат ҳамроҳ бўлиши керак. Ахир халқимиз «Тоқатлига тоғлар эгар бошини» дейди-ку. Сабр-тоқатлилик хунарманд инсонларга хос фазилатдир.

Буни Ферузахоним жуда яхши тушунади. Омад сенга Феруза!

Феруза ОДИЛОВА

БУХОРОДА БИР СИР БОР

Ишонмасангиз, Бухорога сафар қилинг, чунки хориждан келган меҳмонлар ҳам бежиз бу қадимий Бухорони зиёрат қилмайдилар.

Чунки Бухорода афсоналар яшайди. Қўли гул хунармандлар мўъжизалар яратади. Боболар ва момолар қадриятлари улуғланиб эъзозланади.

Вилоят маънавият ва кўшимча таълим маркази кўргазмасида ҳам ижодкор болаларда эркинлик, мустақилликка эътибор берилаётгани кузатилади. Таълим марказининг мақсади ҳам миллий хунармандчилик ва урф одатларни тиклаш.

Истам Тўраев ёшларга бу анъаналарни давом эттириб, туман мактабларида ҳам ўқувчиларни касб-хунарга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватламоқда. Бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ҳар бир хонадонда, қишлоқ мактабларида каштачилик ва зардушлик сирлари қизларга ўргатилади.

Ромитан тумани 7-мактаб 8-синф ўқувчиси Қундузхон Шарипова 7 ёшидан бошлаб каштачилик йўллари билан олиб олган.

Онаси Сафия Қўлдошева шу мактабда меҳнат таълимидан дарс бериб, ёш авлодга хунарнинг сир-синоатларини ўргатмоқда.

Каштачиликнинг энг оддий усули, - дейди Қундузхон қўлидаги чойнак-пўшга ишланган каштани кўрсатиб, - заминдўзи усулидир.

Заминдўзи усулини Бухоронинг боғча ёшидаги катта гуруҳ тарбияланувчи қизлари ҳам билдилар. Чунки бу усул каштачиликни ўрганмоқчи бўлган қизларни биринчи ишлари бўлади. Каштачиликда энг қийин усул бу куббадўзи дейилади.

Қундузхон ва унинг дугоналари куббадўзи усулини тўғарақ раҳбарлари Сафия опадан маҳорат билан ўрганиб олганлар.

Матоларга тикилган ҳар бир кашталарда Бухорода хунарнинг сирли изи борга ўхшайди. Балки шунинг учундир, бу юрт ўз доврўги билан дунёга танилгани?..

МАЪМУРА МАДРАҲИМОВА.



ЎЗБЕКИСТОН

Чаман-чаман гули билан,
Сайроқи булбули билан.
Қир-адири, чўли билан,
Гўзал Ватан Ўзбекистон.
Ҳилпирайди байроғи,
Гулга тўладир боғи.
Бойликка кон қучоғи,
Гўзал Ватан Ўзбекистон.

Умиджон ЭЛМИРЗАЕВ,
Китоб туманидаги
50-мактаб, 7-синф.

ОЛМА

Қип-қизариб пишибди,
Тўп-тўп бўлиб тушибди.
Тергани борган эдим,
Хўп ширин экан, эдим.
Аввал саралаб олдим,
Сўнгра саватга солдим.
Пишган ёки хомлигин,
Рангидан билиб олдим.
Олмамиз ширин бирам,
Егани келинг, сиз ҳам.

Гулруҳ ЙЎЛДОШЕВА,
Хатирчи тумани
54-мактаб 5-синф.

«НАРГИЗ»НИНГ НАРГИЗА ҚИЗИ

Ҳарир либослар кийиб, турли тақинчоқлар тақиб, жамалак сочларини орқага ташлаб, рақсга тушишни яхши кўрмайдиган қизалоқ бўлмаса керак.

Учкўприклик Наргизахон Содиқова ҳам шулардан бири. Тетапоя қила бошлаганданоқ бирор куй эшитдим, рақсга тушаверарди. Улғайгани сари орзулари ҳам бўй чўза борди. Маъмура Эргашева, Қизлархон Дўстмуҳаммедова, Феруза Солиҳова каби раққосаларни телевизор орқали кўриб қолса бас, бутун вужуди, кўзу қулоққа айланар, уларнинг ҳар бир ҳаракатларини диққат билан кузатар, мустақил такрорлаб кўрарди. Раққосаликка бўлган иштиёқ Наргизани туман болалар ва ўсмирлар уйи қошидаги «Наргиз» ашула ва рақс дастасига етаклади.

Тўғарақ раҳбари Рустамжон ака Исмоиловдан рақс сирларини пухта ўргана бошлади. Бора-бора нафақат мактабда, балки туманда ўтказилган ҳеч бир тадбир унинг иштирокида ўтмайдиган бўлиб қолди. Санъ-

атимизнинг ёрқин юлдузларидан бўлмиш Мукаррамахоним ижро эт-



Ёш раққоса Фарангиз.

Тенгдошингиз Фарангиз бухороча рақсга завқ-шавқ билан тушади.

Чунки унинг кўйлақларини онаси ўзига ярашиқ қилиб тиккан-да!

ган «Тановар», «Муножот», «Эй гўзал» каби рақсларни Наргизахон талқинида бир кўрсангиз эди...

Айни кунларда Фарғона шаҳридаги Т. Қодиров номли мусиқа билим юртига кириш учун ҳозирлик кўраётган Наргизанинг ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Республика ёш раққосаларининг Ўзбекистон халқ артисти Мукаррамахоним Турғунбоева номидаги кўрик-танловнинг вилоят босқичида Наргизахон «Энг ёш раққоса» деб топилди, истеъдоди юксак баҳоланди ва танловнинг маҳсул совринини олишга муяссар бўлди. Наргизахонни эришган ютуқлари билан қутлаб, келгусидаги орзу умидлари ҳақида сўрадик, бўш вақтларини қандай ўтказиши билан қизиқдик.

-Келгусидаги орзуим тайин - Мукаррамахонимдек эл севган санъаткор бўлиш. Бўш вақтларим эса унчалик кўп бўлмайди, дарслар, дастадаги машқлар дегандек. Улардан ортсам, онажонимга уй юмушларида кўмаклашаман, китоб, журналлар



ўқийман. Айниқса, «Тонг юлдузи»ни севиб ўқийман. Унинг саҳифаларида биз қизлар учун рақс санъати, тикувчилик, каштачилик, пазандалик сирларини ўргатувчи саҳифалар ташкил қилинишини истайман...

Яқинда Фарғонадан хушхабар келди: ёш раққоса Наргиза Содиқовани Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этиш қўзланаётган экан. Биз ҳам астойдил бу хушхабарнинг ижобатини тилаб: «Наргизахон, орзуларинг парвози янада баландроқ бўлсин!» дея ниёт билдирамиз.

Мухтор БЕК.

Суратда: ёш раққоса Наргиза СОДИҚОВА.

СЕҲРГАР БЎЛИБ ҚОЛСАМ...

Мен яқинда 5-синфда она тили дарсидан «Мен сеҳргар бўлиб қолсам» мавзuida иншо ёздирдим. Уларнинг ишларидан қуйида намуналар келтирмоқчиман:



Мурод ТЎЛАГАНОВ: - Мен телевизордан жуда кўп давлатларда тўс-тўполонлар, вайронагарчиликлар содир бўлаётганини кузатиб бораман. У ердаги болалар мактабга ҳам бора олмай оч-яланғоч, кир-чир юришади. Хоҳлардимки, ер юзида тинчлик, осойишталик барқарор бўлса...



Умида ЭРГАШЕВА: - Агар мен сеҳргар бўлиб қолсам, тез-тез қўшни шаҳарларга сайрга чиқардим. У ернинг болалари билан дўст бўлардим. Улар билан боғларга борардим, ўйингоҳлардаги аргимчоқларидан мазза қилиб учардим.

Санжар ҚОЗИХОНОВ: - Мен мактабимизни тепаликдаги қуруқликда жойлашишини, хоналари шинам, қуруқ бўлишини хоҳлардим.

Мактабимизда эса жонли бурчак ташкил қилган бўлардим. Унда тошбақа, типратикан, қуёнлар жуда-жуда кўп бўларди.

Саида НАЖИМОВА: - Лотин алифбосидаги бадий китобларни янада кўп ва қизиқарли чиқардим.

Бахтиёр ҚОЗОҚБОЕВ: - Кўча-мизга асфальт ётқизардим. Ичимлик сувларини сира тўхтатмасдим.

Азиз болажонлар! Мана, сиз ўқувчиларимнинг гапларини ўқидингиз. Сиз-чи? Сиз сеҳргар бўлиб қолсангиз, нима қилган бўлардингиз? Келинг, биз билан фикрлашинг, баҳслашинг.

Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Янгийўл туманидаги
3-мактаб ўқитувчиси.

“Мен қандай яшаяпман?”

Оталар ёзади

Салом ўғил-қизларим! Ҳар бир киши ўзига «Мен қандай яшаяпман?»-деган саволни қанча эртaroқ берса, ҳаётдаги йўли шунча самарали бўлади. Биз кексалар болалар ўзларига қанча талабчан бўлса, шунча эртaroқ ўзини тутиб олади, деб ўйлаймиз. Ўзини тушунган фарзанд учун ўзини ҳар ёққа уриб, ҳар қандай йўллар билан пул топиш муҳим эмас, балки илм ўрганиб, иш ўрганиб ўз жамиятининг муносиб фарзанди бўлиш муҳимдир. Оталарнинг бошлаган ишларини ривожлантиришга эришиш муҳимдир. Чунки пул қўлнинг кири. Бир кун келиши ҳам, кетиши ҳам мумкин. Илм-ҳунар эса туганмас беминнат ҳазинадир. Болаларимиз аввало ана шу ҳазинанинг соҳиби бўлсинлар. Бу ҳақда пайгамбаримиз Му-

ҳаммад алайҳиссалом ҳам, Ҳазрати Алишер Навоий ҳам хўп ибратли фикрлар айтганлар. Мен улардан ортиқроқ бир фикр айтишга ожизман.

Лекин фақат илми, ишбилармон бўлиш ҳам етарли эмас. Фарзандларимиз аввало ахлоқ-одобли, аҳли солиҳ инсонлар бўлиб етишсинлар. Бунинг учун улар ўз хулқларидаги кўпгина нуқсонларни ҳам енгмоқлари даркор. Шу нуқсонлардан бири - мақтанчоқлик, гурурланиб кетиш, муваффақиятлардан эсанкираш. Бундай кишилар ҳеч нарсага эришолмай, охирда афсус-надомат чекадилар. Мен юбораётган шеърлар ана шулар ҳақида.

Сизларга салом ва ҳурмат билан бобонгиз
Яҳё ВАҲОБОВ,
Бухоро



ТЎП СОАТЛАРИ

Ҳар қандайин истеъдод ҳам истеъдодини,
Топар, марра сари жадал суриб отини.

Беруний ҳам урфон тўпламаса гар,
Сололмасди узоқ-узоқ юртларга назар.

Қўлламаса илму ҳикмат Ибн Синони,
Тутмас эди, шон-шуҳрати бутун дунёни!

Пайгамбардан саккиз юз йил айланиб замон,
Довруғ солди Ер юзига яна бир инсон.

Давру даврон келганида Соҳибқиронга,
Юксак шуҳрат олиб берди Буюк Туронга!

Истиқлолга етмай, афеус, бўлдилар адо,
Беҳбудий ҳам Фитрат, Чўлпон,
буюк Файзулло...

Илм ўрганинг, иш ўрганинг Хитойдадир гар,

Илм билан, ҳунар билан толеъ жилвагар!

Машаққатдан, заҳматлардан асло
қўрқмайин,
Юртимизнинг саодатини айлайлик тайин.

Яна чиқар Алишерлар, Темурбеклар ҳам,
Жаҳон илмий шуҳратига шоҳ ўзбеклар ҳам!

ОДДИЙГИНА БУХОРИЙ

Азал-азаллардан қадим шаҳарлар,
Кўзгар шоирларнинг шанъ илҳомини...
Улар дунё кўксигади гавҳарлар,
Элтар келажакка элнинг номини.

Улар ўстиради бағрида холис,
Ҳар бир фарзандини - бериб номини.
Шуҳратлари бир кун кетар деб олис,

Ўйламайди, кутмас шуҳрат-шонини.

Зиналарни босиб чиқар экансан,
Шуни яхши билки, бир-бир юқори.
Тошлар эмас асло, ўткинчисан сен,
Кўзингни тутмасин шуҳрат губори.

Не-не шон-қўмсаган ўтмади бундан,
Бир жиҳат шаҳарлар шуҳрат ёдгори...
Бири қолмай ўтди, деб лек очундан,
Ўйлама, кучлидир шуҳрат бозори...

Шунда, мақтанганда бухорийларни,
Ҳар гал сўзимизга бериб зеб-оро.
Юзларидан артиб, йиллар губорин,
Кулиб қўя қолар, она - Бухоро!

Вазмин фарзандлари ярашар унга,
Сўзи билан иши бир - эл ифтихори!
Улуғларни мисол келтирма бунга,
Бўла олгин оддийгина бухорий!!!



Кимларнингдир бепарволиги, эътиборсизлигидан содир бўлган ёнгинлар натижасида мамлакатимизда зарар кўрилатгани сир эмас. 2000 йилнинг ўтган даврида пойтахтимиз Тошкентда 657 та ёнгин содир бўлиб, бўлиб ўтган ёнгинлардан келтирилган моддий зарар 5597845 сўмни ташкил қилади. Бўлиб ўтган ушбу ёнгинларда 21 киши ҳалок бўлиб, 18 киши оғир тан жароҳати олган.

Азиз болажонлар, шу кунларда, айниқса шаҳар кўчаларида, турар жой мавзелаарида қуриб қолган ўт-ўланларни, чиқиндиларни, қуриган шох-шаббаларни ўз вақтида йиғиштириб олиш ўрнига, уларни шу ернинг ўзида ёқиб юборишни афзал кўраётганлар ҳам бор. Бепарволик оқибатида чиққан ёнгинлар сони кескин ортиб бормоқда. Бундай ёнгинларга бир қанча мисоллар келтирмоқчиман:

13 май куни Чилонзор тумани Халқлар дўстлиги, Шоҳ кўчаси, 16 уй, 63 хонадонда ёнгин содир бўлиб, ёнгин оқибатида 6 квадрат метр майдонда палас, "Чайка" тикув машинаси ва дераза роми ёнган. Ёнгинни келиб чиқишига сабаб, 66-мактаб ўқувчисининг олов билан ўйнаши.



15 май куни Сергели тумани, Спутник 11 даҳаси, 50 уйда ёнгин содир бўлиб, ёнгин оқибатида 60 квадрат метр майдонда уйнинг том қисми тахта панжараси ёнган. Ёнгинни келиб чиқишига сабаб, электр пайвандлаш ишларини олиб бораётганда ёнгин хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик.

ҲАЛОҶАТИНГИЗ ЙЎҚОЛМАСИН!

15 май куни Мирзо Улуғбек тумани, Темуралиев кўчаси, 85- уйда ёнгин содир бўлиб, ёнгин оқибатида 45 квадрат метр майдонда ошхона, айвон шифт қопламаси ва том қисмининг тахта панжараси ёнган. Ёнгинни келиб чиқишига сабаб, газ плитаси устида қиздирилган ёғ назоратсиз қолдирилган.

17 май куни Миробод тумани, Мунис 2 -кўчаси, 12- уйда ёнгин содир бўлиб, ёнгин оқибатида 20 квадрат метр майдонда ошхонанинг, 20 квадрат метр майдонда хужраҳонанинг ва 60 квадрат метр майдонда уйнинг том қурилмалари ёнган. Ёнгинни келиб чиқишига сабаб, ошхонада қозонда ёғ назоратсиз қолдирилган.

17 май куни Юнусобод тумани, Навоий кўчаси, Туркистон саройининг олдида 20 квадрат метр майдонда ўт ёнган. Ёнгинни келиб чиқишига сабаб, ташланган сигарета қолдиғи.

20 май куни Хамза тумани, Бодкина кўчаси, Боткина мазори олдида 25 квадрат метр майдонда ўтлар

ёнган. Ёнгин сабаб, болаларнинг олов билан ўйнаши.

22 май куни Юнусобод тумани, Ц-4 даҳаси, 32- уй олдида қаровсиз қурилиш вағони 18 квадрат метр майдонда вагоннинг ички қопламаси ёнган. Ёнгинни келиб чиқишига сабаб, болаларнинг олов билан ўйнашиши.

қоро Джарубова Гулсара Саидовна қутқариб қолинган. Ёнгин аянчлиси ёнгинни ўчириш жараёнида бир кишининг куйган жасади топилган. Жасаднинг шахси аниқланмоқда. Ёнгинни келиб чиқишига сабаб, электр плитаси ёққич ҳолда назоратсиз қолдирилгани.

Худди шу куни Акмал Икромов тумани, Бекобод кўчаси, 45- уйда ҳам ёнгин содир бўлиб, ёнгин оқибатида 350 квадрат метр майдонда уйнинг том шифт қопламаси ва хужраҳона ёнган.

Ёнгинни келиб чиқишига сабаб, электр симларининг қисқа туташуви. Ҳар бир содир бўлган ёнгинларни таҳлил қилар эканмиз, ҳар бир ёнгин ўз-ўзидан эмас, ўзимизнинг лоқайдлигимиздан, бепарволигимиз, ёнгин хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслигимиз натижасида содир бўлмоқда. Унутманг-ки, ҳар бир ёнгин бу йўқотишдир. Ёнгин оқибатида йиллаб йиққан мол-мулкимиз санокли дақиқаларда ёниб кул бўлади, катта зарар кўрамай, энг аянчлиси ёнгинларда инсонлар ҳалок бўлмоқда, ёш болалар ҳам... Азиз болажонлар! Катталар уйда йўқлигида электр асбоблари ва газ плиталарни ёқманг. Укажонларингизга гугурт ва олов билан ўйнашга рухсат берманг.

ГУГУРТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Олов танқис даврлар ҳам бўлган. Яшин тушиб ёнаётган дарахт шох-шаббага ибтидоий одам кўрқа-писа яқинлашган-да, оловдан олиб қочган. Ундан гулхан ёқишган. Олов ёнидан нари жилмайдиган кўриқчига кечаю кундузи ўт ўчиб қолмаслиги мажбурияти юкланган. Кейинроқ одамлар ёғочни дарахт қавагига суқиб туриб, тез айлантуриш ҳисобига ўт олдиришган. Чунки дарахт қавагига солинган қуруқ моҳ ишқаланишдан қизиб, ёниб кетган. Дарахт қаттиқ қизиб кетганда, у лоп этиб ёнган. Бу ишқаланишдан ўт ҳосил қилиш дейилади. Ҳозир биз билган ва ишлатадиган гугурт ҳам ишқаланишдан ўт олади. Нам тортмайдиган, ёмғиру шамолда ўчмайдиган гугуртлар ҳам бор. Бензин, газ, электр ёрдамида ишлайдиган зажикалкаларни ҳамма билади. Ўт олдириш шу қадар осонлашиб кетди. Осонлашишга осонлашди-я, афеуски, унга эҳтиётлик билан муносабатда бўлишни ҳамма бирдек эпламаяпти-да.

Болалар оромгоҳида ёнгин

Эслатма

ҳавфсизлигини сақлаш тўғрисида

Болалар оромгоҳида ёнгин ҳавфсизлигига қарши жавобгар шахснинг ҳақ - ҳуқуқлари:

1. Оромгоҳда болаларни ёнгин ва табиий офатдан қутқарув чизмасини чизиб қўйиш;
2. Маъмурият томонидан оромгоҳда кечки ва кундузги навбатчилик режасини чизиб ва улар билан иш олиб бориш;
3. Йўлақлар ва эшик олдиларини ҳар хил нарсалар билан тўсиб қўйиш мумкин эмас;
4. Оромгоҳ хоналарини бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан таъминлаш ва уларнинг тозаллигини текшириш керак;
5. Ёнгин ҳақида хабар берувчи шаҳар алоқа тармоғи билан таъминлаш;
6. Ўқувчи болалардан ёш кўнглили ўт ўчириш гуруҳи тузилсин ва улар билан машғулотлар ўтказилсин;
7. Ҳовли ва хоналарда ҳар хил ёнғич моддалар оромгоҳ ҳовлисидан ташқари сақлансин ва вақти-вақти билан тозалаб турилсин;
8. Йўлақлар ва чиқиб кетиш эшик олдилари, зинапоялар ҳар хил нарсалар билан тўсиб қўйилмасин;
9. Ойна - ромларига ва эшик олдиларига металл панжаралар қўйилмасин;
10. Баланд қаватли биноларда ёш болаларни 1-қаватга жойлаштирилсин;
11. Ётоқхоналарида кроватлар орасидаги масофа сақлансин;
12. Чордоқларда ҳар хил ёнғич нарсалар сақланмасин;
13. Вақтинчалик электр тармоқларидан фойдаланмасин;
14. Катта электр қутилари эшиги доимо ёпиқ бўлиши керак ва қўлбола ҳимоячилар ишлатилмасин;

15. Хоналарда электр иситгич асбоблари билан фойдаланиш маън этилсин ва телевизорларни болалар олдида қаровсиз қолдирилмасин;
16. Электр қувватланиш ўчган вақтида фақат электр фонар билан фойдаланилсин;
17. Оромгоҳни очилиш ва ёпилиш вақтида бўладиган байрам гулханини ёққан вақтида, очиқ жой ва бинолар орасидаги масофа 50 метр бўлиши керак. Гулхан ёқадиган жойни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлансин;
18. Ёнгин чиққан вақтда оромгоҳ маъмурияти қуйидагиларни билиши лозим;
 - а) Тез орада телефон орқали ёнгиндан сақлаш бўлимига «01» га кўнгирак қилиш керак ва ёш кўнглили ўт ўчириш гуруҳини чақириб керак;
 - б) Болаларни қутқариш чоралари кўрилсин;
 - в) Ички бирламчи ўт ўчириш воситалари билан ёнгинни ўчиришга киришилсин;
 - г) Ёнгиндан сақлаш бўлим машиналарини кутиб олиш ва қоровул бошлиғига қаерда ва нима ёнаётганини, ҳамда қандай чоралар кўрилгани ҳақида хабар берилсин;
 - д) Ушбу эслатма оромгоҳ маъмурияти билан бирга ўрганиб чиқилсин, ҳамда рамкага солиб кўринадиган жойга осиб қўйилсин.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
Ёнгиндан сақлаш бошқармаси ходими
ички хизмат катта лейтинанти



Меҳрибонлик уйига йўл олар эканман, дилимда тушкунлик кайфияти ҳукмрон эди. Чунки мен у ерда кўзлари йиғидан қизарган, ота-онасини интизорлик билан кутаётган ўйчан нигоҳларни кўз олдимга келтирдим. Юнусобод тумани Халқ таълими бўлимнинг катта назоратчиси Роҳатой опа билан манзилга етиб борганимизда бизни меҳрибонлик уйининг раҳбари Алла Демчук ва илмий бўлим мудираси Малика Баҳриддиновлар табассум билан қарши олдилар. Атрофимизни эса бир зумда дуркун ва соғлом болалар ўраб олишди. Малика опа билан ёруғ синфхоналарга кирдимиз ҳайратланиб оёқ кийимимни ечдим. Гилам, телевизор, юмшоқ мебель, дарс тайёрлаш учун стол ва стуллар, китоб жавонлари, деразалардаги дар пардалару, ўйинчоқлар... Кўрпачалар чиройли қилиб тўшалган. Айрим болалар ота-она бағрида бўлсалар ҳам бундай шароитда яшамасликлари сир эмас. Хуллас, буларнинг ҳаммаси аввало юртда тинчликнинг, ота-онасиз қолган фарзандларга эътиборнинг энг ёрқин далилидир. Таътил кунларида улар Чорбоғдаги «Ёшлик» оромгоҳига кетишларини айтиб, яна ҳам завқландилар.

-Келган куним роса йиғлагандим, лекин ўқитувчиларимиз, тарбиячи опаларимизнинг меҳрибонликларидан тезда кўникиб кет-

МЕҲРИБОНЛИК УЙИНИНГ МЕҲРИБОНЛАРИ

дим, - дейди 6 -«Б»синф ўқувчиси Абдусаттор Рўзиев. -Барча яхши инсонлар шу ерда экан-ку, деб ўрганиб қолдим. Келажакда ботаника, физика фанларини пухта эгаллаб, яхши мутахассис бўлиш ниятидаман.

Сўхбатимизга Абдусатторнинг дўстлари Ҳайрулла Йўлдошев, Фулом Каримов, Анорбой Эштоев, Бахтиёр Йўлдошевлар ҳам қўшилиб кетишди.

Айрим мактаблардаги тўғараклар йиллар давомида ишламаслиги мумкин. Бу ерда эса барча тўғараклар ишлаб турибди. Компьютер хоналари болалар хизматида. Спорт зали, ошхона, кутубхона, мусиқа ва ўйингоҳлар улар билан гавжум. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, деганларидек, бу болалар уйдаги тартиб-интизом мени фақат хурсанд қилди. Эл-юрт ардоғида бўлган бола-

лар қалбида ҳеч бир ўкинч кўрмадим.

Қизлар билан сўхбатлашиш учун кечикибман. Улар концертга кетишган экан. Дарвоқе, меҳрибонлик уйининг 210 нафар ўқувчилари Юнусобод туманидаги 9-лицей ва 80- мактабда ўқир эканлар. Болажон давлатимиз улар учун барча нарсани муҳайё қилган. Бироқ...

- Меҳрибонлик уйимизга, - деди илмий мудира, - бирорта инсон саҳийлик қилиб, озгинагина совға берса, берган совғасидан ошириб мақтаб юборадилар. Кечирасизу бизга мақтаниш эмас, амалий ёрдам керак. Масалан, биз 11- синфни битирган болани ўқишга кириб кетолмаса, кўчага ҳайдаб қўёлмаймиз-ку. Ваҳоланки, у балоғат ёшида ҳам бизнинг ўқувчилар орасида юради. Улар учун махсус коллеж бўлса-ю, ётоқхо-



на билан таъминланса дейман. У то ҳаёт йўлини топгунича ўша ерда яшасин. Акс ҳолда 15-16 ёшлардаги ўспирин муҳтожликдан бирор бир жиноятга қўл урмаслигига, бизлар берган меҳр ўрнини ҳолат, қабиҳлик эгаллаб олмаслигига ким кафолат бера олади?

Меҳрибонлик уйининг болалари учун транспорт ажратиш масаласи ҳам тезроқ ҳал этилса эди! Меҳрибонлик уйимизга ёрдам бераётган Фафуржон Аҳмедов ва корейлик Доктор Чонларни болаларимиз ўз отасидек кўрадилар. Улардан миннатдор ҳолда саҳоват, мурувват кўрсатаман деган қалби имон нури билан мунаввар инсонларга манзилимизни тушунтиргим келади:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5, 21-меҳрибонлик уйи.

Ҳа, меҳрибонлик уйининг меҳрибонлари чин маънода савобталаб, эзгулик истаган инсонлар экан. Чунки улар эртанги ИНСОНлар, келажак авлодлар қалбидан кемтикликни, бағри яримликни олиб ташлаш иштиёқи билан банд. Орамизда шундай одамлар борлигидан, улар қалбида меҳр бисёрлигидан, у ердан кўнглим осмон бўлиб қайтдим.

Маъмура МАДРАҲИМОВА.



СЎЗЛАРНИ ЁД ОЛИНГ !

ЁЗ - SUMMER
ИССИҚ - HOT
ФАСЛ - SEASON
СУВ - WATER
ЧЎМИЛИШ - SWIMMING
ТОҒЛАР - MOUNTAINS
ДАМ ОЛМОҚ - TO HAVE A REST

ИНГЛИЗ ТИЛИ СИЗ УЧУН
ENGLISH FOR YOU

КУЁШДАН САҚЛОВЧИ СО-
ЯБОН - PARASOL
ЧЎМИЛИШ ҲАВЗАСИ-
BEACH
ДЕНГИЗ - SEA
ДАРЁ - RIVER

ОКЕАН - OCEAN
КУРОРТ - RESORT
МЕҲМОНХОНА - HOTEL,
INN, LODGE
ҚИРҒОҚ - SHORE, COAST
ОРОЛ - ISLAND
ЯРИМОРОЛ - PENINSULA
БАССЕЙН - POOL
САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР -
COLD DRINKS
САЁҲАТ ҚИЛМОҚ - TO HAVE
A TRIP.

ЖУМЛА ВА ИБОРАЛАРНИ
ЁД ОЛИНГ !

СОҒ БЎЛИНГ - BLESS YOU
СУВ ЖУДА СОВУҚ - THE
WATER IS VERY COLD
ТОҒЛАРДАГИ ҚОР ЭРИБ,
МУЗДЕК СУВЛАРГА АЙЛАН-
ДИ - THE SNOW OF THE
MOUNTAINS IS MELTING,
AND BECOMING WATER
ЖУДА АЖОЙИБ КҮН - VERY
AMAZING DAY



ЮЛДУЗЛАР ЯРҚИРАМОҚ-
ДА - THE STARS ARE
TWINKLING


ЁЗНИНГ ЁҚИМЛИ ОҚШО-
МИ - NICE EVENING OF
SUMMER

ТИНЧ ОКЕАНИ - THE
PACIFIC OCEAN

СОКИН ТУНЛАР - CALM
NIGHTS

САЁЗ КЎЛ - SHALLOW LAKE
ЧУҚУР ДЕНГИЗ - DEEP SEA
ЯМ-ЯШИЛ ДАЛАЛАР -
GREEN FIELDS.

Шоҳруҳ КАРИМБЕКОВ
тайёрлади



IF YOU WORK HARD AS WE YOU CAN REST WELL AS WE.


ЎЛМАС ТАДБИРКОР

Мен халқимнинг сут ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун ойлавий фермер хўжалигини тузмоқчиман. Бунинг учун давлатдан 4 000 000 сўм кредит олиб, шу пулга ўн беш бош 150 000 сўмдан сигир сотиб олардим. Шу ишни амалга ошириш учун кетган ҳаражатлар ҳар бир сигирга бир кунда 25 сўмдан 8 кг. ем 200 сўмни ташкил қилса, ўн беш бош сигирга бир кунда 3000 сўм ҳаражат кетади. Агар 365 кунда 3000 сўмдан кетган бўлса, у ҳолда жаъми 1095000 сўм бўлади. Ҳар бир бузоққа 1кг. дан 15 кг. гача ем кетади. Ўн бешта бузоқ 365 x 15 = 5475 кг. ем ейди. Демак, бузоқлар учун емага бўлган ҳаражат 136867 сўмни ташкил қилади.

Фермаизга иккита ишчи, яъни битта боқувчи ва битта соғувчини ишга оламиз. Агар ойлик маошини 6000 сўм деб бел-

гиласак, бир йилда 144 000 сўм иш ҳақи тўлаган бўламиз. Ишчиларнинг ойлик маоши даромад ошган сари ортиб боради. Ҳашак учун жамоа хўжалигидан 8 га. ер ажратилади. Бу ерда моллар учун озуқа етиштираман. Бошқа ҳаражатларга 150 000 сўм ажратилади. Бир сигир ўн ой кунига 15 литрдан сут берса, у ҳолда 300 кунда 67 500 литр сут олиш мумкин. Агар литрини 60 сўмдан сотсак, 4 050 000 сўм бўлади. Агар давлатдан олган 4 000 000 сўм қарзни қайтарсак, бизга соф фойда 50 000 сўм қолади. Сотиб олган сигирларимиз эса ўзимизга қолади. Бу ишни давом эттириб, икки ёки уч йилдан сўнг фермер хўжалигимиз ёнида сутни қайта ишлайдиган корхона куриб, сут ва сут маҳсулотлари билан халқимизни таъминлашга ҳаражат қиламан. Фойдамиз ҳисобига уйимиз олдидаги болалар боғчасини бепул сут билан таъминлаймиз.

Ўлмас АҲМЕДОВ, Навоий вилояти, Қизилтепа тумани 18-мактаб ўқувчиси.



МЕН-НОНВОЙ

Мен оилада тўнғич фарзандман. Шунинг учун бўлса керак оиламизга ёрдам бергим келади. Оиламизда фақатгина дадам ишлайдилар. Амаким 2000 йил 30 март куни нонвойхона қурдилар. Мен қараб ўтирмасдан уларга қурилиш ишларида кўмаклашиб, нонвой бўлишни хоҳладим. Ҳамма ишларни амакимдан обдон ўрганиб, биргаликда иш юргизадиган бўлдик. Биз бозордан 270 000 сўмга ҳар бир қопини 4500 сўмдан 60 қоп ун сотиб олдик. Бир қоп ундан 250

дона нон тайёрлаш мумкинлигини ҳисобга олсак, демак бир кунда икки қопдан 500 дона нон сотилади. Нонларни маҳалламизнинг ўзида сотамиз, ўзимиз ҳам истеъмол қиламиз. Нонвойлик бизга салмоқли фойда келтира бошлади. Бир ойда 12 000 дона нонни 25 сўмдан сотдик.

Ҳаражатлар қуйидагича бўлди:
ун 60 қоп - 270 000 сўм,
туз - 500 сўм,
кўнжуг - 500 сўм,
хамиртуруш - 2000 сўм,
газучун - 100 сўм,
сувҳақи - 100 сўм,
электр энергияси - 2000 сўм,
жаъми ҳаражатлар - 277 000 сўм.

Кунлик фойдамизни 12 500 сўм десак, бир йиллик даромадимиз 105 000 сўм соф фойда бўлади.

Асқар ШОДМОНОВ,
Жиззах шаҳар,
15- мактабнинг 6-«Б»
синф ўқувчиси.



Оғил дастурхон дўлма ва шўрва

Кўй ёки мол гўштини суякларидан ажратиб, суякни кастрюлькага солиб қайнатасиз, лаҳм қисмидан қийма тайёрлайсиз. Қиймага пиёз, гуруч, петрушка, туз ва зираворлар ҳамда тухум кўшиб, яхшилаб мижғилайсиз.

Булғор қалампирини ювгандан кейин бандини қирқасиз ва уруғини тозалайсиз ва ҳар бир қалампирга қийма тўлдириб, дўлма ясайсиз ва қайнаб турган шўрвага солиб 30-40 дақиқа милтиратиб пиширасиз. Шўрвага яна пиёз, помидор, сабзи, картошка ҳам соласиз. Тайёр таомнинг тузини ростлаб қосаларга қуюсиз ва ҳар бир косага иккитадан дўлма солиб, дастурхонга тортасиз.

Дўлма тайёрлаш учун: 500 гр. гўшт, 10-12 та булғор қалампир, 0,5 стакан гуруч, 1 та тухум, 2-3 бош пиёз, 2-3 та помидор, ярим боғ петрушка, ярим чой қошиқ зира, таъбга қараб туз солинади.

ҚОШИҚЛАРНИНГ ЭЗЫНДА ТУРСАН

Зангламас металлдан ясалган қошиқлар ва санчқичлар (вилкалар) ни металлларга мўлжалланган исталган порошоклар билан тозалаш мумкин. Бундай асбобларни майда кум ёки ичимлик содасига ботирилган латта билан ҳам ярқиратиш мумкин.


Пичоқдаги мева ёки кислота доғини кетказиш қийинмас: бундай пичоқ хом картошкани қирқиб, унга ишқаланилса бўлди.

Пичоқ ва санчқичлардаги занг эса писта ёғига ботирилган ювгичда ҳам, кул ва керосинда ҳам осон кетади.

Кумуш ва никелланган буюмларни озроқ новшадил спирт қўшилган совуқ сувда ювилади. Шунингдек, кумуш буюмларга тиш ювадиган порошок суртиб кўйиб, бир мунча вақтдан сўнг илиқ сувда ювиш ҳам самарали.

Пичоқдан пиёз ва балиқ ҳиди келиб қолса, уни хом сабзи ё картошка билан ишқалаб кетказиш мумкин. Сирка ёки ўсимлик ёғига ботирилган латта билан артиб ҳам бундай ҳидларни кетказиш мумкин.

Ёғоч ё пластмасса сопли буюмларни иссиқ сувда узоқ қолдирманг. Негаки, иссиқ сувда уларнинг соплари бўшаб қолади.



БҮЙНИ УЗУН ҲАЙВОННИ БИЛАСИЗМИ?

Топдингиз. Бу - жирафа. Ер юзидаги энг баланд ҳайвон. Жирафанинг бўйи 6 метрга етади. Бўйининг ўзи эса уч метр атрофида. Ишонсангиз, жирафа бўйнида барча сут эмизувчилардагидек роппа-роса етти дона бўйин умурткаси бор. Улар фақат анча чўзинчоқ.

Бир қарашда жирафа жуда ғалати ҳайвонга ўхшайди. Гавдасига ва бўйнига номутаносиб бўлган кичкина бошида тери билан қопланган иккита қалта шохи бор. Олдинги оёқлари кейингисидан узун. Жирафанинг қоziқ тишлари ҳам, тирноқлари ҳам йўқ. Думининг узунлиги бир метр келади. Жирафа танасининг усти сариқ ранг бўлиб, тўқ жигарранг қатта ҳоллар билан қопланган. Оғирлиги 500 килограммгача етади. Жирафа дарахт тепасидаги барглари бемалол узиб ейди, чунки улар ҳамиша ширали бўлади. У бундай баландликдан йиртқич ҳайвонни узоқдан кўради ва вақтида қочиб қолади. Олачипор туси эса дарахт орқасида яширинишига ёрдам беради. Жирафа ўзининг узун оёқлари билан ҳар қандай учқур отлардан ҳам қолишмайди.

Жирафалар, одатда чўлларда кичик пода бўлиб юради. Асосан акациянинг барг ва новдалари билан овқатланади. Улар Африкада кўп учрайди.

ЖИРАФАЛАР НЕЧТА?

Ҳайвонот боғининг жирафалар яшайдиган жойни кўз олдингизга келтиринг. Тўртбурчак шаклдаги панжаранинг ҳар бир бурчагида биттадан жирафа турибди. Ҳар бир жирафанинг қаршисида учтадан жирафа бор. Катакда ҳаммаси бўлиб нечта жирафалар бор?



Нархи 6800 доллар бўлган машинанинг баҳоси 20 фоизга арзонлашган бўлса, унинг нархи қанчага камайган бўлади?

Нархи 8 долларлик буюмга 7 фоиз солиқ солинди. Буюмнинг тўла баҳоси қанча?

Агар буюмнинг нархига 50 фоиз солиқ кўйилса, у ҳолда фойда буюм янги баҳосининг неча фоизини ташкил қилади?

ЗА-ЗА-ЗА

Очиқ жуда чакаги
-ма-ма-ма!
Мўл-ку еми, ҳашаги:
- Ма-ма-ма!

Рауф ТОЛИБНИНГ
«Кўзи» шеърдан

Нега мунча сакрайсан
Тўп-тўп-тўп.
Чарчаб қолма дикирлаб
Кўп-кўп-кўп.
Битта гапга қулоқ ос,
Хўп-хўп-хўп.
Бўлмаса еб қоласан
Чўп-чўп-чўп.
Кейин дейсан бақириб:
- Ма-ма-ма.
-Жўраларинг кулади:
- Ва-ва-ва!



ТАРОДИЯЛАР

САЛОМ ДЕЙМАН

Салом, дейман кекса- ёшга,
Салом, дейман дўстга, душманга.
Баъзан ҳатто дарахтга, тошга,
Салом бермоқ келур хуш манга.

Тоҳир Қаҳҳорнинг
«Салом дейман..» шеърдан.



Эрта тонгдан туриб олиб,
Барчага салом бераман.
Баъзан бошим уриб олиб,
Дарчага салом бераман.

Уч-тўрт марта сочим тараб,
Ўзимга ҳам салом, дейман.
Баъзан ҳатто ортга қараб,
Изимга ҳам салом, дейман.

Салом, дейман дўппим олиб,
Етмаганга мен овозим.
Қуюқ салом бермаганга,
Насиб этмасмиш лавозим.

Салом бериб ўтаман мен,
Ёзганимни ўқиганга.
Нега салом бермайсизлар,
Шундай шеърни тўқиганга?!

Абдураззоқ ОБРЎЙ

ТўРТ БУРЧАКЛИ ДАСТРЎМОЛ

Пиджак ва пальто энгига нима учун тугма қадалишини биласизми? Чиройли бўлсин учун, дерсиз? Айтишларича, Наполеон даврида мундир энгига тугма қадаш одати пайдо бўлган. Солдатлар энгини бурнига суркамасин, деган ниятда шундай қилинган. Дастрўмолчалар анча илгари ихтиро қилингану, у ўз вазифасида қарийб ишлатилмаган. Қаттиқ шиширилган, тўқилган ва тугмалар қадалган дастрўмол сарой аёнларининг кийимини безаб турган. XVIII аср охирида газламани тежаш мақсадида айлана нусха дастрўмол тикиш маън этилган. Шушу у тўртбурчак бўлиб қолган.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ»ГА



ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Болажонлар, даврани кенгроқ олинг-да, янграётган кўшиқларга жўр бўлинг. Ҳарбий ватанпарварлик кўшиқларни баралла куйламай бўладими, ахир! Эътибор бераётган бўлсангиз, «Фидокорлар» партиясининг Ёшлар қаноти, Олий Мажлиснинг Ёшлар комиссияси, Мудофаа вазирлиги, «Ёшлар» телеканали ва радиоси, «Даракчи» нашриёт уйи ва «Тарона рекорд» студияси уюштираётган Ҳарбий ватанпарварлик кўшиқлари фестивалига саноқли кунлар қолди. Анжуман 2000 йил 1 июль куни Марказий Ҳарбий Спорт Клуби резервлар мажмуида соат 19.00 да бошланади. Фестивалда иштирок этувчилар ва машҳур хонанда Юлдуз Усмонованинг меҳмон бўлиши ҳақида ойнаи жаҳон орқали ҳар куни гапирилмоқда. Биз «Хўжа» гуруҳи хонандаси Иззат Ибрагимовни «Фестивалда қайси кўшиқларингиз билан қатнашмоқчисиз?», деб суҳбатга тортдик. -Ёш шоир Иброҳим Жиянов содда ва самимий тилда шеър ёзиб берди, -деди Иззат акангиз, -замонавий бастакор Руслан Шарипов эса тезда куй басталаб берди. Бу кўшиқ Ўзбекистонлик ёшларни бирдамликка, ҳамкорликка чорлайди. Фестивалдан тушган маблағ Республикаимизнинг узоқ-узоқ вилоятларида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга сарфланар экан, қадрдон газетам «Тонг юлдузи» орқали фестивалга ҳиссам қўшилаётганидан мамнун эканлигимни айтмоқчиман. Осмонимиз мусаффо ва бегубор бўлсин. Бахтиёр болаларнинг шодон кулгулари бутун оламни тутсин! Кўшигимга жўр бўлсангиз, бошим осмонга етарди, азиз болажонлар!

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

Кўшиқ бор тилимизда,
Фурур бор дилимизда
Мисли жаннат - чаманзор,
Ўзбекистонимиз бор.

Шу азиз юртимизга,
Учқур қанот бўлайлик.
Кўнгли пок халқимизга
Янги бахтлар тилайлик.



Тинчлик бўлсин ҳар доим,
Омон бўлсин бу олам.
Орзу-ниятга етсин,
Бу дунёда ҳар одам.

Зийрак бўлиб замондош,
Тинмай билим олайлик.
Элнинг равнақи учун,
Ҳалол меҳнат қилайлик.

Ўзбекистон болалари
ва ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида
АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Ойниса МУСУРМОНОВА
Хотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусхада босилди. Ҳажми
2 босма табоқ,
Буюртма - К-5004
Газетани
Абдуҳамид
АБДУҒАФФОРОВ
саҳифалади.
Набатчи:
Маъмура
МАДРАХИМОВА

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз
700129,
Тошкент шаҳар,
Навой кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34